Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ўқувчилар қиска вақт ичида ката ҳажмли маълумотларни ўрганиш имкониятига эга бўладилар. Бирбирларига ўз фикрларини тушунтириш, савол бериш, эслатиш, мулоқот килиш қабилар орқали ўқувчиларда мустақил ва ижодий ишлаш малакалари таркиб топади. Шу сабабли маълум тайёргарлик ишларини бажаргандан кейин ҳажми кенгрок бўлган мавзуларни ўрганишда ҳам бу усулдан фойдаланиш яхши самара беради. Бу ишларни янада кизикарлирок бўлиши учун гуруҳларни номлаш, гуруҳ аъзоларига турли ранглардаги карточкалар, белгилардан фойяланиш ва бошқа шу қабиларни тавсия этиш мумкин. Иш давомида турли рангдаги карточкалар қўлланилганлиги учун ҳам мазкур усул айрим адабнётларда мозаика усули деб ҳам юритилади.

МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИДА ТЎҚИМАЧИЛИК ХУНАРМАНДЧИЛИГИ ТАРИХИГА ОИД МАТЕРИАЛЛАРДА Н Фойдаланиш

XX аср боши Туркистон халқлари иктисодий, ижтимоий, снёсий-м[аънавий ҳаётида катта ўзгаришлар даври сифатида намоён бўлди. Шу л:умладан мамлакат аҳолисини асосий махсулотлар билан таъминловчи хунармандчилик тармоғи ҳдм бу хусусиятни ўзида яққол акс эттиради.

Хунармандчилик ишлаб чиқариши халқимизнинг асрлар давомида ривожланиб келган бой амалий тажрибаларини ўзида ифода этувчи тармок бўлиб, бундай жиҳатларини XX аср бошигача ҳам сақлаб келмоқда эди. Туркистонда хунармандчиликнинг йирик масканларидан бири Фарғона водийси бўлиб, XX аср бошида водий аҳолисининг катта қисмини ушбу табақа вакиллари ташкил этган.

Жумладан, 1897 йилги расмий маълумотларга кўра Наманганда аҳолининг 64%, Кўконда 52%, Марғилонда 50% ни хунармандлар ташкил этиши бу фикримизни тасдиқлайди.

Водийда хунармандчиликнинг металл ишлов бериш, қулолчилик, мато тўқиш ва бошқа кўпдан-кўп тармоқлари ривож топган бўлиб, бу тармоқлар ўз навбатида яна тор ихтисосликларга бўлинган. Чунончи, металл ишлов берувчи хунармандчилик тармоғини ичида турли хил буюмлар тайёрлашга ихтисослашган 19 та мустақил соҳалар мавжудлиги маълум. Шунингдек водийда муайян маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган :<хунармандчилик марказлари ҳам вужудга келган бўлиб, Кўкон, Марғилон турли газламлар, Чуст, Шаҳрихон, Қорасув - металл маҳсулотлар, Риштон, Андижон қулолчилик буюмлари тайёрлашнинг марказлари бўлиб шаклланган. XX аср бошида ҳам хунармандчилик ишлаб чиқаришида оддий

дастгоҳлар сақданиб қолган, қўл меҳнагини кўп талаб қилувчи ишлаб чиқариш муносабатлари устун туриб, маҳсулот асосан уйда ёки дўконда, одатда уста ва унинг шогирди иштирокида тайёрланган.

XX асрда Фарғона водийси хунармандчилиги ишлаб чиқариш тараккиёти даражаси ўлкада содир бўлаётган янги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар туфайли ўзгара борди. Хусусан, водийга кўплаб арзон саноат молларининг кириб келиши маълум хунармандчилик тармоқларини таназзулга учрашига олиб келса, муайян хунармандчилик тармоқлари маҳсулотларининг четга экспорт қилинишининг ортиши бу тармоқлар ривожини таъминлади. Фарғона водийсида маҳаллий нахадан ип-мато тўқиш тармоғи азалдан тараккий этиб келган бўлиб, у айниқса Кўкон шаҳрида ривож топган эди. XX аср бошида Кўконда 500 га яқин тўқимачи хунарманд фаолият юритган²

Шақар хунармандлари томонидан асосан бўз, алача, дона чит, тўқилган бўлиб, шунингдек юни, атлас, бекасам каби ипак матолар ҳам тайёрланган. Хунарманд бир кунда икки бўлак мато (бўз) тайёрлай олган бўлиб, унинг бир бўлаги 20 тийиндан сотилган. Андижонда хаи ип-мато тўқиш ишлари ривож топган бўлиб, 1887 йили¹га нисбатан шаҳарда мато тўқувчи дўконлар миқдори 1913 йилга келиб 2157 тага купайганлиги бунга тасдиқлайди. Бунга сабаб аввало метрополиядан келтириладиган ип-газламалардан маҳаллий матолар арзон туриб, улар истеъмолини бу жиҳатдан катта бўлишини таъминлади, энг асосийси маҳаллий матолар ўз тўқиш услуби, нақш элементида кура халқ дидига, менталитетига яқин бўлиб, уни аҳоли орасида харидорлар бўлишини таъминлаган. Лекин тўқимачиликка ёндош хунармандчилик тармоғи бшлган бўёқчилик ҳақида бу фикрларни айта олмаймиз. 1897 йилда Андижон шаҳрида 40 та бўёқчилик дўкони бўлган бўлса, 1907 йилга келиб бундай дўконлар сони 29 тага тушиб қолган :>ди. Бўёқчилик дўконларини қисқаришига, Россиядан

арзон анилин фабрика бўёқларининг келиши ва маҳаллий бўёқпарни истеъмолдан чиқа бошлаши билан боғлаш мумкин. Чунки янги шароитдаги бозор муносабатлари, хунармандлар анъаналаридан устун чиқиб, хунармандларни арзон ва осон ишлов берилувчи, лекин сифатсиз бўёқларни ўз ишида қўллашларига олиб келган. Лекин фабрика маҳсулотларининг ўлка тўқимачилиги тармоқлари таъсири доимо бирдай салбий бўлмади. Хусусан, Фарғона водийсида азалдан ривож топган ипак буюмлар тайёрлаш тармоғи айниқса бу йилларда ямада ривожланди. Марғилон бутун Туркистонда ипак буюмлар тайёрлашнинг маркази бўлиб, Туркистондаги ипак етиштирувчиларнинг ярми шу ерда фаолият юритган. Шаҳарда 2000 дан ортиқ дўконда ипак ва ярими ипак матолар тўқилган (Изоҳ: "дўкон" - маҳаллий матолар туқиладиган дастгоҳ).

Мустамлакачилик даврида ҳам тармоқни ривож топиб бориши Россияда тармоқни ривожлантириш имконининг йўқлиги ва бу экспорт жиҳатидан қимматли маҳсулотни шу минтақани ўзида тараккий этириш заруриятидан келиб чиқishi натижасида эди. Лекин бўёқчилик соҳасидаги ўзгаришлар, яъни фабрика бўёқларини тармоққа жал б этилиши бу тармоқда ҳам маҳсулот сифатининг бузилишига олиб келди.

Хулоса қилиб айтади! ан бўлса., водийдаги тўқимачилик тармоғи XX аср бошидан ўзгаришлар туфайли таназзулга учрай бошлади. Лекин шунга қарамай, хунармандчилик маҳаллий аҳоли ҳўжалигининг ажралмас қисми сифатида аҳолига зарур маҳсулот етиштириб берувчи!- муҳим бир чармок бўлиб қолаверди.

М!ЕХНАТ,ЦА1>СЛАРҚЦА ФАРҒОНА.ВОДИЙСИ
АҲОЛИСИНИНГ КИЙИМ-БОШЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР
МАТЕРИАЛЛАРДУШ Ф О Й Д А Л А Н И Ш

Кийим-бош муайян халқнинг моддий маданиятини муҳим қисми сифатида ушбу халқ этногенези ва маданияти тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Кийим-(юш бу халқни яшаш тарзи, эстетик диди ва миллий ўзига хосликларини ҳам ифода этиши билан ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Ўрта Осиё, жумладан, Фарғона водийси аҳолисининг кийим-кечаклари кўп асрлик тарихга эга. Чунончи, археологик қазилмалардан топилган қадимий катта деворий расмлар, хар хил буюмларга туширилган тасвирлар, ўрта асрлардаги китоб миниатюралари аждодларимизнинг ўтмишдаги кийим-кечаклари тўғрисида бой маълумотлар беради. Ўрта асрларга оид миниатюралар ўзбек кийимларининг асосий типини бу даврда шаклланиб улгурганлиги ва бу хусусият кейинги даврларга ҳам сақланганлигини намойиш қилади. Маълумки Ўрта Осиё халқларига хос кийим-кечаклар хар бир этноснинг этик белгилари, худудий иқлим шароити, аҳолининг ёш, жинс хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда юзага кела борган. Мазкур кийим-кечаклар тарихини бир мақола доирасида тадқиқ қилишнинг имкони йўқлиги сабабли, биз асосан Фарғона водийси аҳолисининг кийим-бошлари тарихига тўхталиб ўтаемиз.

Маълумки, бош кийими аҳоли кийим-кечагининг муҳим элементи

сифатида ўзининг узоқ тарихига эга бўлиб, уни ўрганиш бизга қизиқарли маълумотларни олиш имконини беради. Қадимдан Фарғона водийси аҳолиси орасида турли кўринишлардаги бош кийимларидан фойдаланилганлиги маълум. Жумладан, уларнинг дастлабки турлари тўғрисида археологик изланишлар бизга маълумот беради. Чунончи, XX асрни сўнгги ўн йиллигида шимолий Фарғонанинг Мунчоктепа манзилгоҳида олиб бўрилган изланишлар фарғоналикларнинг V-VIII асрлардаги турмуш тарзи, энг асосийси, ислом динига қадар бўлган бош кийимлари тўғрисида муҳим маълумотлар беради. Кийим-бошлар ипакли, ипли, жунли матолардан тайёрланган. Тўқимачилик асбоблари, урчуклар ҳам бу соҳада муҳим ўринга эга. Мунчоктепа қабрларидаги катталар ва болалар жасадларини пешонасида узунлиги 40 см, эни 4-6 см пешонабандлар боғланган. Шунга ўхшаш ленталар Кенгкўл мазорларида ва водийнинг биринчи минг йилликнинг биринчи ярмига доир мазорларида ҳам учрайди. Элишунослар фикрича пешонабандлар маҳаллий аҳолининг қадимий бош кийимларидан бўлиб, ундан одатда аҳолининг ёш қизлари ва келинлари бош кийим сифатида фойдаланган.

Фарғона водийси аҳолиси орасида энг кўп тарқалган қадимий бош кийими бу шубхасиз дўппи бўлиб, дўппининг қадимдан эрон ва туркий халқлар орасида кенг тарқалганлиги маълум. Дўппи бош кийими тарихини ўрганиш ҳам бизга кўп қизиқ, янги тарихий маълумотлар олиш имконини беради. Дўппини илк кўринишларини ҳозир аниқлаш қийин, албатта. Лекин унинг ўрта асрлардаги кўриниши юқори қисми мурабба кўринишида баланд бўлганлиги, XX аср бошига келиб дўппини юқори қисми текис кўриниш ола бошлаганлигини айтиш мумкин. Бу даврда дўппи Туркистон халқлари орасида (айниқса Ўзбекистон ва Тожикистонда) миллий бош кийим турига айланиб бўлган эди.

Ўзбек дўппилари тайёрланган жойи, шакли, безагига кўра фарқланади. Бу фарқлар дўппининг тепа (айлана ва тўртбурчак шаклда бичилади), кизак (гардиши) ва жияк (гардиш безаги) қисмларининг ўзига хослигида сезилади. Ўзбекистонда водийнинг Чуст, Андижон, Марғилон, Қўқон нусха дўппилари машҳурдир. Чуст дўпписи энг кенг тарқалган дўппи нусхаси бўлиб, у тўқ яшил шойи ёки сатиндан 4 қарж қилиб тайёрланади: тепасининг ҳар бир қаржиди қалампир нусха ёки бодом шакли, кезагининг ҳар бир қаржиди тўрттадан меҳроб (ярим доира) шакли билан сидирга қоплаб оқ ип (ёки ипак) да тикилади. Бундаги қалампир, бодом шакли “кўздан асровчи” маъносига эга шакллар ҳисобланади. Тайёр дўппининг тепаси кизагидан мурабба шаклида бўртиб чиқади (бошқа дўппиларнинг тепаси ярим доира шаклида бўлади). Шакли кўп жиҳатдан Чуст дўпписига ўхшаш бўлган Марғилон дўпписи гуллари нисбатан ингичка ва узун қалампир шаклининг сидирга қопламаси билан фарқ қилади. Бу дўппиларни киши бир қарашда конус шаклидаги Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз дўппилардан ажрата олган. Чунки ўтмишда ҳар бир этник гуруҳнинг кийим-бош анъаналари катъий сақланган. Шунга кўра кишининг дўпписига қараб у қайси худуддан ташриф буюрганлигини айтиш мумкин бўлган. Дўппилар юқорида айтилгандек шакли, ишлатилган ранглари ва нақшларига кўра фарқланган. Лекин кейинги даврларда дўппиларнинг турли локал этник анъаналарни сақлаб келган турлари камая бошлади. Чуст,

Марғилон, Хўжанд, Ўргаттепа турлари умумий истеъмолда бўла бошлади. Кейинги даврларга келиб эса дўппи кийиш одати, унга бўлган эътибор халқимиз вакиллари орасида тобора камайиб бормоқда. Ҳозирги даврга келиб эса дўппиларнинг анъанавий турлари ўрнига, янги турларини кийиш, хусусан, кексалар, ўрта ёшчилар, ёшлар, болалар орасида усти текис, безаги айлана, машина чок берилган, оқ ёки қора рангли ип, матодан тайёрланган дўппи турларини кийиш кенг таралмоқда. Тарихий манбалар Фарғона водийсида аввал ҳам оқ дўппилар баъзан кийилганлигини ва у сўфи дўппи дейилганлигини кўрсатмоқда. Дўппилар қадимдан эрақлар кийим-бошининг энг тантанавор, азиз қисми бўлиб уни тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратилган. Халқда азиз меҳмонга, яқин кишига унга соғлиқ, омад ва бахт тилаб дўппи тақдим этиш анъанаси бўлган. Ёш қизлар ўз бўлажак умр йўлдошига атаб махсус дўппилар тикканлар.

Фарғона водийси аҳолиси бош-кийимлари сирасига салла ўраш ҳам киради. Салла бу оқ бўз матодан бошга ўраладиган бош кийими бўлиб, ислом динига эътиқод қилувчи халқимиз орасида кенг тарқалган. Лекин тарихий маълумотлар бу каби матодан бошга ўралувчи бош кийимлари жуда қадимда ҳам бўлганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Кушонлар даври терракото ҳайкалчалари тасвиридаги бош кийимлар бунга тасдиқлайди. Тарихшунос В.А.Мешкерис Кушон тош ҳайкалчаларидаги аёлларнинг салласимон бош кийимлари ўлкамизга қадимда шимолий-ғарбий Ҳиндистондан (гандхара ҳайкалтарошлиги) кириб келган деб ҳисоблайди. Саллани аҳолининг барча табақа вакиллари ўрасада, улар ранги, ўралиш шаклига кўра кишининг жамиятда тутган ўрнига кўра фарқланган. Хусусан, руҳонийлар катта, кўп боғламли саллалар ўраганлар. Салла ўраш иши мўътабар ва маъсулятли иш бўлиб, бадавлат хонадонларда саллаларни катта ҳажмда ва чиройли қилиб ўрайдиган махсус кишилар тоифаси хизматда бўлган.

Хуллас, Фарғона водийси аҳолиси бош кийимлари узоқ тарихий ўтмишга эга бўлиб, доимо ривожланиб келган. Уни хилма-хил турлари ичида дўппи алоҳида ўринга эга. Водий бош кийимлари тарихини чуқур ўрганиш эса ўтмишдаги бой анъаналаримизни қайта жонлаштириш ва уни негизида ёш авлодни баркамол инсонлар сифатида тарбиялаш имконини беради. Зеро, ўз анъаналарини яхши биладиган, ундан руҳий қувват оладиган авлод бой тажрибага таянади ва келажакка ҳам дадил қадам ташлай олади.

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИДА XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МАВЖУД БЎЛГАН АЙРИМ АЙРИМ ХУНАРМАНДЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРИХИГА ДОИР МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Амалий санъат, хунармандчилик соҳаси ҳақида гап кетганда, албатта, барчамизнинг кўз ўнгимизда моҳирлик билан исалган, дид билан безатилган ажойиб санъат намуналари мужассамланади. Хунармандчилик қадимий соҳалардан бири бўлиб, у кўп йиллик тарихга эга. Бу соҳанинг Фарғона водийсида кириб келиши узоқ вақтга бориб тақалади. Фарғона водийсининг

кадимий шаҳарларидан бири бўлган Андижон кўп асрлар давомида водийнинг иктисодий ва сиёсий ҳаётида салмоқли ўринни эгаллаб келган. Шу давр давоқ ида бу ерда хунармандчиликнинг турли соҳалари ривож топди. Андижон ушбу соҳанинг ривожланиши **учун** ҳар томонлама қулай шаҳар эди. Айнан мана **шу** ҳақда 1813-1814 йилларда Андижон шаҳрида бўлган рус элчиларидан бири Ф.Назаров шундай ёзган эди: "Андижон Қашқар билан чегарадош, атрофи қишлоқлар билан ўралган, ҳар хил меиалар мўл-кўл, аҳолией ипак курти бокиш ва кўпайтириш билан ҳамда ип газламалари ишлаб чикариш ва дехкончилик билан шугулланади".

1876 йилга келиб Андижонда фақат шойи тдйёрлайдиган 39 та хўжашк бўлиб, уларнинг ҳар бирида учтадан бештагача хунарманд фаолият юритган. Айни **шу** йили шаҳарда кўйчилик билан шугулканувчи хўжаликлар сони 50 тан и, сову и ишлаб чикарадиган 18 тани, шам тайёрлайдиганлар 8 тани, сапол **куЕур** ишлаб чикарадиганлар 25 тани, гишт ишлаб чикарадиганлар 6 1 А Н И , чўян эрктиш билан шугулладиган хўжаликлар 18 тани ташкил этар эди. Шу билан бирга шаҳарда тегирмон, мойжувоз, обжувоз сингари аҳоли эҳтиёжини кондрувчи қурилмалар ҳам мавжуд бўлган. Бундан ташқари шаҳарда 1220 та уста-э;унармандлар турли хил соҳаларда фаолиятини олиб борган. 1882 йилда Андижон шаҳрида турли хунармандчилик қорхоналари эгалари 343 тани, уларда ишловчи ишчиларнинг сони 718 тани ва йиллик ишлаб чикариш киймати 86850 сўмни ташкил этган эди. Булар асосан заргарлик, мисгарлик, тикувчилнк, этикдўзлик каби бир кагор хунармандчилик қорхоналари эди. Бундан ташқари Андижонда кундалик турмуш **учун** зарур бўлган ҳар «ил махсулотларни етказиб берувчи бир кагор хунарманчилик қорхоналари ҳам маижуд эди. 1882 йилга оид бўлган маълумотлар шуни кўрсатадики, бундай хунармандчилик қорхоналарининг умумий сони 701 та бўлиб, уларнинг иишаб чикарган махсулотлари 67540 сўмни ташкил **этган**. Андижон уездиди кишлоқ хўжалигини ва айникса, унинг муҳим тармоги шсобланган пахтачиликнинг риЕЮжлаиши оқибатида хунармандчилик қорхоналари махсулотига бўлган талаб кескин ортиб борди. Чунки хунармандлар дехконлар учун мехнат қуроллари ва бошка махсулотларни етказиб берар эдилар. Натижада хунармандчилик қорхоналари ва уларда ишловчилр сони тобора ортиб борган. Чунончи, 1883 йилда Андижон уездиди 778 та хунармандчилик қорхонаснда 1272 ншчи ишлаб 86090 сўмлик махсулот ишлаб чикарилган.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинши оқибатида вужудга келган шаҳардаги ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар шаҳар хунармандлари олдиға алоҳида талаблар кўя бошлади. Натижада улар ўзларининг имкониятларини ишға сола бошладилар ҳамда олдинги даврларға нисбаган ишлаб чикариш техника воситаларини такомиллаштириб бордилар. Оқибатда хунармандчилик қорхоналари кўпайиб борди. Агар 1884 йилда хунармандчилик қорхоналарининг умумий сони (шаҳар билан уезд биргалиқда) 827 та бўлиб, уларда ишловчилар 1176 нафарни, ишлаб чикарилган махсулот киймати 98089 сўмни ташкил этган бўлса, 1885 йилга келиб уларнинг умумий сони 857 тани, ишловчилар 1266 нафарни, ишлаб чикарилган махсулот эса 102104 сўмни ташкил этган. Ёки фақат бир йилнинг ўзйдагина

хунармандчилик қорхоналари сони 30 таға, уларда ишловчилар сони 90 нафарға, ишлаб чикарган махсулот киймати эса 4015 сўмға ошган.

1885 йилға келиб шаҳарда этикдўзлик, мисгарлик, тикувчилик каби хунармандчилик тармоқлари асосий ўринни эгаллади. Масалан, шу йили фақат этикдўзлик қорхоналари 250 тани, уларда ишловчилар 830 нафарни ва йиллик ишлаб чикариш киймати бошкаларға нисбатан жуда катта суммани - 210 000 сўм ни ташкил этган. Этикдўзликдан кейин эса мисгарлик турган. Уларнинг сони 22 тани, уларда ишловчилар 52 нафарни, ишлаб чикариш киймати эса 7180 сўмни ташкил этган.

Урла Осиё шаҳарларига, жумладан, Андижонға Россиядан айрим истеъмол моллари ва буюмларининг келтирилиши хунармандчиликнинг айрим тармоқларига, масалан, газлама тўкиш, қулоччилик ва совунгарликка еалбий таъсир кўрсатди. Агар 1900 йилда Андижон уездиди 52 та кўпчилик қор>хоналари бўлиб, улардаги уста ва ишловчилар сони 156 кишини, йиллик ишлаб чикарилган махсулоти киймати 12100 сўмни ташкил қилган бўлса, 1905 **йшIra** келиб уларнинг сони 9 тагача, улардаги уста ва ишловчилар 88 тагача, йиллик даромади эса 10128 сўмтача қискарди. Шунингдек, 1900 йилда қулоччилик қорхоналарининг умумий сони 50 та бўлиб, уларда ишловчи ишчилар сони 150 кишини, йиллик даромади 11020 сўмни ташкил этган бўлса, 1906 йилға келиб уларнинг сони 16 таға, ишловчилар сони 43 таға ва йиллик даромад 5012 сўмгача қискарди. Шу йили совунгарлик қорхоналари 34 тани, уларда ишловчи ишчилар сони 92 кишини, йиллик даромади 20000 сўмни ташкил этган бўлса, 1906 йилға келиб уларнинг сони 10 таға, ишловчилар сони 17 таға ва йиллик даромади 5745 сўмгача қискарди. Маълумки, маҳаллий аҳолининг деярли ҳаммаси маҳаллий тикувчилар томонидан тайёрланган газламалардан кийим-кечак тиктириб қийганлар. Чунки улар аҳолининг қадимдан асосланган ва давом этиб келаётган турмуш талабларини қондирар эди. Андижонда тўқимаччилик ва у билан боглик оўлган ёрдамчи соҳалар ҳам ривожланган. Андижон хунармандлари тайёрлаган махсулстлар Тошкент, Петербург ва бошка шаҳарларда ташкил эгилган кўрғазмаларда ҳам зўр кизикиш билан намойиш этилган. Чунончи. 1890 йилнинг .30 августиди Тошкентда ўтказилган кишлоқ хўжалиги ва саноат кўрIгазмасиди Самарқанд, Хўжанд, Қўкон, Маргилон шаҳарлари билги бир қаторда Андижон хунармандлари тайёрлаган турли-туман махсулотлар ҳам жой олган эди. Ҳатто Андижон хунармандлари тайёрлаган пойабзал ва эгар-жабдуглар Сирдарё ва Етгисув вилоятлари, Зарафшон округи ва хатто Қашқарға ҳам чикариб сотилган. Андижонда хунармандчиликнинг юқорида келтирилган тармоқлари билан бир қаторда гилам тўкиш ҳам ривожланган. Бадавлат кишилар гилам учун етарли микдордату юнг ва бошка материалларни тайёрлаганларидан сўнг, гилам тўкиш учун гиламчиларни таклиф қилилган. Бундай ҳолатда "гилам"чи гилам тўкиш учун ўз шоғирдапри билан келарди. Ёрдамчи ишчиларниш микдори одатда тўқилиши керак бўлган **ГИЛМНИНГ** \пжмш н <">олик бўлган. Чунки хнр Г>ир ёрдамчи ишчш а /> пршин **приник** г*|ри крмгини **труп** буш им Лскит гишш тўқумчнлпрниш иш хаки жулт т *ши*. **I том** 111/н||>и **Гшр** купли Г /О I н и ш I I .иг **чин** I у н и ш . I пI **мечп** • ❖❖

килиб тўқилган ва 5x3 аршин келадиган соф юнгдай тайёрланган гиламни 40 сўмга согаб олиш мумкин бўлган. 1896 йил маълумотларига қура, Андижон шаҳрида хунармандчилик корхоналарида ишловчиларга бир йилда 130 сўм. нонвойхоналарда ёллашиб ишловчиларга бир қида 40 тийин, доимий ишловчиларга эса 50 тийиндан ҳақ тўланган. Аравасоз усталар эса йил давомида 100 сўмга яқин иш ҳақи олган. Агар арава учун материалларни буюртмачи ўзи олиб келса, унда уста ҳар бир арава учун 10 сўм иш ҳақи олган. Материалларни ўз ёнида сарф қилиб тайёрлаган арава учун эса 25-30 сўм ҳақ олган. Этикдўзлар эса бир йилда 100 сўм атрофида даромад қилган.

Шундай қилиб, XIX асрнинг охири XX аср бошларида хунармандчиликда олдинги даврларга мисбатан ўсиш кўзга ташланди. Кўп хунармандчилик корхоналарида уста ва унинг оила аъзолари ишларди, ҳолос. Хунармайдлар орасида ҳали дехкончиликда ажралмаган кишилар ҳам мавжуд эди. Бу даврда Андижонда янги типдаги завод ва фабрикаларнинг ташкил бўлишига қарамадан, хунармандчилик ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. Хунармандчилик корхоналаридаги ишлаб чиқариш техникасининг оддийлиги ва қолқнушгидан мустасно, хунармандчилик маҳаллий аҳоли хўжалигининг ажралмас қисми ва уларга зарур маҳсулоғлар етиштириб берувчи муҳим бир тармоқ бўлиб қолаверди. Бу ҳол хунармандларнинг аҳоли анча оғирлаштирди. Натижада маҳаллий хунармандларнинг ҳам миллий юзодлик ҳаракатларида (Бевосита иштирок этишига сабаб бўлди. Чунончи, 1905 йилда Андижон пахта тозалаш заводларидан иш ташлаш бўлган вақтда, уларни маҳаллий хунармандлар ҳам қўллаб қувватлаб чиқдилар.

Бугунги кунга келиб ҳам юртимизда хунармандчиликнинг барча тармоқларига қатъий эътибор берилмоқда. Хунармандчилик абадий ва боқий соҳа бўлиб, у минг йиллардан сўнг ҳам ўз вазифасини йўқотмайди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан "Ўзбекистон тарихи" фани бўйича ўстирилган машғулотларда, ёшларга шаҳарлар ва қасблар тарихи ҳақида тушунча беришда* фойдаланиш мумкин.

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРДА ШОҲИ ТЎҚИШ ХУНАРИ ТАРИХИГА ДОИР МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДЧЛАНИШ

Ўзининг муборак икки минг ёшини қарши олаётган қадим Мағилоннинг таърифу-таърифлари беҳисоб: уни ҳеч иккиланмай "Азизу-авлиёлар шаҳри", "Санъаткорлар шаҳри", "Хунармандлар шаҳри", "Олиму-фузалолар шаҳри" десак, асло янгилимаймиз. Негаки буларнинг барчасида ҳақиқат мужассамлашгандир. Шу билан бирга мазкур шаҳри қадимнинг, Марғилонсой бўйларида қад ростлаган муаззам тарихий маконнинг яна бир эъзозу хурмэлта лойиқ сифати ҳам борки, буни эслаб ўтмаслик асло мумкин эмас. Гап шундаки, Марғилон - бутун дунёга донғи кетгай, ўриши ҳам, арқоғи ҳам табиий ипақдан тўқиладиган, ўриши абр усул и да ранг-баранг нақшлар билан безатиладиган бир юзлама майин мато бўлмиш атласнинг ватанидир.

Гарчи "атлас" арабча сўз бўлиб, таржимада "туқсиз, силлик" деган

маъноларни бериб, атлас матонинг хусусиятларини акс эттирса-да, бу атласнинг арабий келиб чиқишига эътиборини билдирмайчи. Зеро X асрга оид араб тарихий манбаларида, атоқли маърифатпарвар Исоқхон Ибраҳимнинг "Фарғона тарихи" китобида, академик В.В.Баргольднинг "Туркистон мўғуллар истилоҳи даврида" номли монографияси ва бошқа кўплаб асарларида "Марғилон" ("Маргинон") топоними тилга олинар экан, марғилонликларнинг уста қосиб-хунарманд кишилар эканлигига ҳам алоҳида урғу (эриб ўтилади). Фикримизча, бу ўринда уларнинг ипақдан ажойиб тарзда товланувчи майин матолар яратганликлари ҳам назарда тутилган.

Тарихчиларнинг яқдиллик билан гувоҳлик беришларича, атлас матосининг дунёга келиши бевосита Марғилон билан ҳамбарчас бўлиб бўлса, иккинчи томондан, Марғилоннинг жақонга доврқ таратиши кўп жиҳатдан атлас газмолларининг қўхна савдо-сотик йўллари, қарвонлар билан Гарбу-Шарқка тарқалиши, энг нозиктаб Хотин-қизларининг, айниқса, Машрик аёлларининг суюмли, қадри, ҳусни-латофатини ўн чандон оширишга қодир қадриятга айланганлиги билан ҳам боғлиқдир. Айниқса, ўрта асрларда Бағдод ва Қашқар, Хуросон ва Машҳад, Миср ва Юнонистон бозорларида марғилонлик уста қосиблар маҳоратидан ял-ял яшнаб зурган атласнинг, хусусан, қонатлас, сариқ атлас, қора атлас, саккизтепки атласнинг харидорлари гоётда кўп бўлган.

XIX аср охири - XX аср бошларида шаҳарда шойи матолар тўқиш билан юзлаб қосиблар машғул бўлган. Шўро тузумининг дастлабки йилларида, "янги иқтисодий сиёсат" даврида улар 4 артелга бирлаштирилган. 1963 йилда ушбу артеллар негизда дастлабки йирик саноат корхонаси - "Атлас" фирмаси ташкил этилиб, атлас матолар асосан **механизациялашган** усудда ишлаб чиқарила бошланди. 1976 йилда фирма кўп тарьюкли илақчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди. Утган асрнинг 70-80-йилларида бу ерда сержило атлас матоларнинг икки юздан ортиқ тури ишлаб чиқарила, айниқса, барги қарам, қақирим, яҳудий нусха намозшомгул, шахмат, қора қўзим турлари харидордир эди. Марғилон атласчиларқ ўз қасб-хунарлари сирларини бошқаларга ҳам сидқидидқан ўргатиб, Самарқанд, Қўқон, Наманган, Андижон шаҳарларида, қўшни Тожиқистонинг Хўжанд шаҳрида шойи тўқиш орхоналарини ишга зуширилишида бош-қош бўлдилар.

Атлас қўсна Марғилон ва мартилолик қосиблар, тўқувчи-усталар, инженер ва теҳнологларга жақонаро улқан шон-шуҳрат келтирди. Қанаданинг Монреал шаҳрида 1967 йилда ҳамда собиқ Югославиянинг Загреб шаҳрида 1978 йилда ўтқазилган халқаро қўрғазмаларда Марғилон атласи олтин медаллар билан тақдирланди. Тошкент Моделлар уйи модельер-дизайнерлари қонатласдан тикқан либослар нусхаларига Япониянинг Осака шаҳрида (1970 й.), Венгриянинг Будапешт- шаҳрида (1987 й.), Ироқнинг Бағдод шаҳрида (1988 й.), Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида (1989 й.), АҚШнинг Вашингтон (1998 й.) ва Чикаго (1999 й.) шаҳарларида ўтқазилган нуфузли халқаро танловларда юқсак баҳолар берилди. Мустақиллик шойи тўқшл сакъятии янги босқичга қўтармовда, демак, асрий анъаналар давом этади.

ҚОҒОЗ ТАЙЁРЛАШ ХҲНАРМАНЧИЛИГИГА ОИД ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Қўкон хамиша Фаргона водийсининг йирик хунармандчилик ва савдо маркази бўлиб келган. Шахарда хунармандчиликнинг турли тармоқлари ривож топган бўлиб, улар орасида Ўрта Осиёда хунармандчиликнинг нодир соҳаси ҳисобланувчи қоғоз тайёрлаш тармоғи алоҳида урин тутди. Бирок бугунги кун га қадар Қўкон қоғоз тайёрлаш хунармандчилиги ҳали кенг тадқиқ этилмаган илмий мавзулардан бири бўлиб, бу масалани ўрганилиши шаҳар тарихи, хунармандчилик тарихи тўғрисида янги маълумотлар бериши мумкин.

Дарҳақиқат, Қўконда қоғозгарлик хунармандчилиги ўзининг узок тарихига эга. Тадқиқотчи олим Ахмадали Мадаминов маҳаллий тарихий манбаларга таяниб туриб, XVIII асрда Қўконда қоғоз ишлаб чиқариш хунармандчилиги мавжуд бўлганлиги тўғрисида маълумот беради. Демак Қўқон хонлиги Бухоро хонлигидан мустақил бўлиб чиққач, Қўконда кўпгина янги, хусусан, қоғоз тайёрлаш хунармандчилиги юзага келган.

XIX асрдаги Туркистон хунармандчилигини ўрпанган В.К.Разводовскийнинг Қўқондаги Чорку қоғоз хунармандчилик устахонаси 200 йиллик тарихга эга эканлиги тўғрисида берган маълумоти бу фикрни тасдиқлайди. Қўконда қоғоз тайёрланиши тўғрисидаги илк маълумотларни XIX аср иккинчи ярмида Туркистонга саёхат қилган рус сайёҳдарининг асарларида учратамиз. Хусусан П.И.Пашенко "Туркестанский край 1866 года" асарида Қўконда маҳаллий усулда қоғоз тайёрланиши ҳақида маълумот беради. Қўконда қоғоз асосан икки устахонада, бири шаҳарнинг Мўйи Муборак дарвозаси яқинида, иккинчиси шаҳар ёнидаги Чоркуда жойлашганлигини 1871 йилда водийга саёхат қилган А.П.Едченко ёзиб қолдирган. У шунингдек, ўз шахсий дўқонларида қоғоз тайёрлаган усталар уста Сойиб Назар, Уста Мухаммад Мусо Фозилов, Мухаммад Содиқ Мухаммадимовлар тўғрисида маълумот беради. Қўконда қоғозгарлик хунармандчилигининг кейинги тараққиёти тўғрисида маълумотлар анчагина кам учрайди.

Халқ орасида кенг тарқалган ривоятларнинг бирида айгилишича, Худоёрхоннинг янги ўрдасини қуришда шаҳар қоғозгарлари Қўқондан узокка кўчирилган. Бунинг сабаби хунарманд ва меъморларнинг қоғоз тайёрлаш жараёнида қоғоз тайёрловчи дўқонлар берадиган кучли ер ости зарблари саронни узок вақт мустақкам туришига салбий таъсир кўрсатади, деб берган ҳулосаси зди. Лекин бизнингча, бу даврда қоғозгарларни янги жойга кўчирилишининг асл сабаби Россиядан арзон қоғоз маҳсулотларинг ўлкага кириб келиши ва натижада маҳаллий қоғозгарлар маҳсулотини сиқиб чиқариши билан боғлиқдир. Шунингдек, хунармандлар ишлаб чиқариш учун доимо зарур суп манбаи мўлроқ, фабрика маҳсулотлари камроқ кириб борадиган худудларга кўчиб ўтгаи бўлишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Бизга маълум маълумотларга кўра қоғозгарлар Қалъача қишлоғига кўчиб ўтганлар ва қоғозгарликни давом эттирганлар. Хунармандчилик соҳаси 1940 йилларгача давом этган. Ҳозирги кунда Сўх туманида бу хунармандларқши авлодлари истиконат қиладилар. Лекин тарихий маълумотлар Қўконда

ўрдаси қурилишидан кейин ҳам қоғозгарлик давом этганлигини кўрсатади. Чунончи Қўқонда XX аср бошида 40 йил давомида шу хунар билан машғул бўлган уста Убайдулла Оршув қоғоз тайёрлаш иши соҳасида машғул бўлган. Унга отасининг 40 йиллик, бобосининг 50 йиллик қоғозгарлик тажрибаси мерюс эди. Бинобарин В.К.Разводовскийнинг ёзиб қоядирган маълумотларидан маълум бўлишича, хали XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида Қўқонда қоғоз тайёрлаш давом этмокда эди. Фақатгина 1920 йилларга: келой собик совет тузуми даврида хунармандпарни хусусий мулк эгаси деб топилиш, уларни зўрлик билан арғёлларга киритилиши бу бебаҳо хунармандчилик соҳасини асосиз тугатилишига олиб кела бошлаган, деб тахмин қилиш мумкин. Лекин соҳа кейинги даврларда ҳам айрим хунармандлар томонидан давом эттирилганлиги маълум. Хусусан россиялик таникли олим В.Григорьев 1931 йили Қўқонга келиб, Қоғозгарлик қишлоғига ташриф буюрганлиги ва асрлар давомида сайқал топиб келган ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш усулига пўх бўлганлиги бу фикримизни тасдиқлайди.

Шувдай қилиб айтиш мумкинки, Қўқонда қоғозгарлик хунармандчилиги ўзининг бир неча юз йиллик тажрибага асосланувчи нодир хунармандчилик соҳаси сифатида узок давр хонликни қоғозга бўлган эҳтиёжини қондириб келган. Кейинги тарихий жараёнлар натижасида соҳа инкирозга юз тутган, хунармандлар тарқалиб кетган. Лекин бу соҳа ўлкада бутунлай гўхтаб қолмаган. Қачонлардир машғул бўлган Мўй Муборак қоғозгарлик устахонаси бугунги кунда топоним (жой номи) сифатида сақланиб келган.

КАСБ-ХУНАРГА ОИД, АЙРИМ АТАМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Маълумки, ҳар бир қасб-хунарнинг ўзига хос атамалари, номлари мавжуд. Мазкур атама ва номлар билан боғлиқ бўлган тарихий маълумотларни ўрганиш шу қасб-хунарни пайдо бўлгани ва ривожланиши ҳамда жамиятда туган ўрни, аҳамияти ҳақида фикр юритишга асос бўла олади. Хусусан шаҳар микропонимиясида қасб-хунар билан боғлиқ атамалар - ойқонимлар аюқида қатлами ташкил этади. Масалан ўтмишда Қўқонда ҳам хунармандчилик кенг миқёсда таралган эган. 1897 йили олинган аҳоли рўйхати ҳужжатларида (баён қилинишича, шаҳарнинг 52 % аҳолий хунармандлар ҳисобланган. Шу пайдан қўл ина маҳалла, гузарлар қасб-қорни ифодаловчи лексемалар билан юрнтилиб кетган. Ўтмишда ўлкамизда, хусусан Қўқон шаҳрида металл қуруллар, металл буюмлари ишлаб чиқариш алоҳида ўринни эгаллаган. Профессор Собиржон Иброхимовнинг ёзишича, металлсозлик қасбининг дегрезлик, темирчилик, пичоқчилик, чилангарлик, тақачилик, қулфгарлик, анжомасозлик, игнжозлик, миҳгарлик, мисгарлик, мўхрканлик, заргарлик сингари соҳалари бўлган. Бу соҳаларнинг юзага келиши тарихи жуда қадимий бўлиб, улар маҳсулотлари билан аталадиган ўзига хос хомашёлари, ишлаб чиқариш қуруллари, Исихолог иялари билан ажралиб турган.

Мелаллардан ясаладиган буюмларни - моддий ҳаёт воситаларини ишлаб чиқариш учун даркор бўлган иш қуруллари; қундалик ҳаётда ишлатилдиган

буюмлар, рўзгор асбоб-анжомлари; турар-жой куриш учун зарур бўлган металл буюмлар: мудофаа қуроли; безак ашёларини ишлаб чиқарганлар. Халқ ҳаётида алоҳида аҳамият касб этган юқорида қайд қилинган айрим тармоқлари шу соҳалари билан шуғулланувчи кишилар турадиган жой, масканларда топонимлар шаклида сакланиб қолган. Қуйида шулар хусусида тўхталиб ўтамиз.

Дегрезлик - шаҳарнинг қадимий маҳалларидан бирининг номи. Ушбу турар-жойда яшовчи кўпчилик аҳолининг ота-боболари ўтмишда қишлоқ хўжалиги ва рўзгор буюмлари гайёрлаш, чунончи, омовчи, кетмон, белкурак, обдаста яшаш, шунингдек, қозон қуйиш иши билан шуғулланиб келганлар. Улар тайёрлаган қозонларнинг турлари қўн бўлиб, дошқозон, қир қозон, холва қозон, тўй қозон, иккиқулоқчи, учқулоқчи, тўрқулоқчи қозон, чаксаки қозон номлари билан юритилган. Бу касб оғир қўл меҳнати талаб қилган. Ундаги меҳнат дастлаб икки жараёни: зиратиш ва қуйишни уз ичига олган. Бу ишлар дегрез (бош уста; дўқонда технологик жараёни бошқарувчи; хомашёни тайёрловчи ва тайёр маҳсулотни сотувчи), халпа (ёрдамчи уста), дамгар (чўянни эритиш вақтида дамни босиб, унга шамол хайдаб берувчи ишчи), эритувчи (ёндўқонга чўянни босиб, қўмир ўтида уни эритиш билан шуғулланувчи киши), қуювчи (эриган чўянларни махсус қолипларга кетма-кет қуювчи уста) томонида бажарилган.

« Қўқон шаҳрида дегрезларнинг бир неча авлоди етишиб чиққан. Бу касб наслдан-наслга ўтган. Маҳкамбой Бобоев, Шодихўжа Турсунхўжаев, Расулжон Азимовлар, айниқса, машҳур бўлганлар, қатор шоғирлар етиштириб чиқарганлар. Дарҳақиқат, Дегрезлик маҳалласининг шундай деб атаниши қайд қилинган касб-хунар билан бевосита боғлиқдир. Мазкур топоним форсча-тожикча дег - қозон, рез - рехтан (қуймоқ) феълнинг ҳозирги замон ўзагидан таркиб топган бўлиб, айнан: "қозой қуювчи" маъносини билдиради. Дегрезлик топоними Қўқон хонлиги тарихига оид айрим манбаларда дегрез ҳамда дегрезон шаклларида учрайди. Дегрезон - дегрезлар маъносиддир; ном охиридаги -он қўшимчаси кўплик, жамликни ифодалайди.

Рихтагарлик - металлсозликнинг эг қадимги турларидан биридир. Бу касб мисгарлик ва дегрезлик касблари билан туташ бўлган, кейинчалик ички меҳнат тақсимоли натижасида улардан ажралиб чиққан. Рихтагарлар мисгар томонидан ишланган қумгон, офтоба, чойдиш қабиларнинг мисгарлар ишлаб олмайдиган қисмларини ишлаб чиқарганлар. Мис қийқими, пачоқ қумгон, эски самовар синиклари қабилар рихтагарларнинг хомашёси ҳисобланган. Рихтагарлар буларни эритиб, улардан қумғондаста, офтобадаста, чойдишдаста, мисжом қулоғи тайёрлаганлар. Мис шдншлар чоқини улаш, эски мис идишларни ямаш учун махсус қотишма - қавшарни ҳозирлаб берганлар. Биринчи узанги, сувлук, мис ёки биринчи замбаракни ҳам рихтагарлар Қўйганлар. Манбаларда қўрсатилишича, Қўқонда XIX аср охирида 6 та рихтагарлик дўқони (қорхонаси) бўлган. Булар шаҳарнинг гарбий-шимойи қисмида Рихтагарлик маҳалласида жойлашган. Бу дўқонлар Қўқондан ташқари Фарғона водийсининг бошқа шаҳар ва туманлардаги мисгарларни ҳам қўйма жез буюмлар билан таъминлаб турган. Рихтагарлик топоними уч морфема:

рихта + гар + лик дай таркиб топган. Рихта - тожикча рехтан (қуймоқ) феълнинг ўзаги, -гар **Иза** -лик эса от ясовчи қўшмачидир. Рихтагарлик рихтагарлар (қуювчилар) лшайдиган жой, мақом маъносини ифода қилади.

Мисгарлик - шаҳарнинг қадимий маҳалларидан биридир. Бу турар жойда мис идишларни ясовчи усгалар яшаганлар. Улар, асосан, қишлоқнинг маҳаллий эҳтиёжлари учун зарур бўлган қумгон, чойдиш, офтоба, қилопчин, мистовок, мисқўза мисқозон, мисқоса, сатил қабилар билан буюмларни ишлаб чиқарганлар. Мисгарликдаги меҳнат дастлаб иккига тақсимланган: яшаш ва безаш. Мисгарлик ағамас мис идишларни яшаш касби маъносидан, наққош мисгарлик термини эса мис идишларни безаш касби маъноларида қўлланган. Наққош мисгарлар мис идишларни икки: ўйма ва сўқма усулда наққошлаганлар. Мис идишларга ўйилган ва сўқилган бўлган наққошлар композициясининг баъзан гоёт мураккаблиги ва қўринишининг гўзаллиги билан ажралиб турган. Шаҳримиздаги Мисгарлик маҳалласида истиқомат қилувчиларнинг ота-боболари қайд қилинган **Ишек** ҳам мис идишларини яшаш ҳамда уларга наққош ўйиб безаш ишини амалга оширганлар. Аҳоли яшаш масканига берилган ушбу ном ана шу касб-хунарга нисбатандир.

Заргарлик -- металлсозликнинг қадимий соҳаларидан биридир. Бу касб эгалари тилла қумуш, қалай, мис қабилардан турли хил безак, зебу зийнат ашёларини тайёрлаш иши билан машғул бўлганлар. Заргарлар узук, **Билазуқ**, сирга, чочпоқ, зебардон, тиллақош, зирак, зарқоқил, тумор, тиллазулф, бўйинтумор, қўлтиқтумор қашқарбалдоқ, ойбалдоқ, фарғонача балдоқ, шохонақ қабилар билан ясаганлар. Заргарлар ишлаб чиқарган юқоридаги қабилар зебу-зийнат ашёлари бармоққа, қулоққа, қўкракка, бўйинга, қўлтўққа, пешонага, сочга тақиш учун мўлжалланган ҳолда тайёрланган.

Тақачилик - маҳалласи от, ҳақир ва эшакнинг оёғига қоқиладиган такани яшаш билан шуғулланувчи қишлоқнинг қасбқори асосида юзага келган жой номидир. Такалар темирдан ясалган. Тақачилар тақа учун узунлиги 1,5 метр, қалинлиги 1,5 сантиметр, кенлиги 3 сантиметрли темирни ишлатганлар. Бу темирнинг ҳар бирдан катта-кичик 6 та тақа чиққан. Бу касб эгалари такани ҳайвоннинг қандай тури учун ясашларига қўра от, эшак ва ҳақир тақа номи билан уч гуруҳга бўлганлар. От такаларнинг бир неча тури бўлиб, улар йил мавсумига қўра: ёзлик тақа, қишлоқ тақа, музлик тақа; отнинг ҳолатига қўра: ялла тақа, пошналик тақа, батарин тақа; чиқиб келишига қўра ўзбек тақа русча тақа, хитой тақа деб номланган. Тақаларга қоқиладиган миҳ тақамих номи билан юритилган. Булар уч турли бўлиб, тўққизинчи (номерли) тақа катта отларнинг туёғига, еттинчи (номерли) тақа оддий отларга, бешинчи (номерли) тақа эшакка, олгинчи (номерли) тақа ҳақир туёғига қоқилган. Ўтмишда мана шу касб-хунар номи билан аталган тақачилик топоними ҳозирда истеъмолдан чиқиб кетган, тарих - хотирага айланган.

Металлсозлик соҳаларидан яна бири қандақорликдир. Шаҳримиздаги Қандақорлик қўчаси шу касб-қор номи билан аталган. Қандақорлар - мисгар, рихтагар усталар томонидан тайёрланган рўзгор буюмлари, қуроқлар на бошқа металл буюмларни ўйма наққошлар билан безатиб, осори-атиқага V: •;(г"г.-гчч.тар. Ҳозирда Қўқонлик қандақорлар яратган санъат асарлари

музейларда, шахсий жамғармаларда сақланмоқда.

Шахардаги Илғор кўчаси ўтмишда Анжомасоз деб аталаган. Бу ерда ХУП1-Х1Х асрларда анжомасоз усталар истиқомат қилганлар. Анжомасозлар пўлат, темир, мнe, жез, қапай каби хомашёлардан от абзалларининг металл қисмларини, чунончи, жуган, узанги, қуюшқон, тўқа, ўмулдирик, халка қабил арии ясаганлар. Анжомасоз атамаси икки морфемадан ташкил топган: анжомасоз бундаги анжома лексемаси от абзалларига ўрнатилган майда-чуйда металл қисмларининг умумий номини билдирган; -соз эса тожикча сохтан - ясамск, тузмок, курмок феълнинг ҳозирги замон ўзагидир. Қисқаси, анжомасоз - "анжома буюмларни тайёрловчи, ясовчи" маъносидадир.

Чилангарлик ҳам металлсозликка алоқадор касблардан ҳисобланган. Чилангарлар сартарошлик, этик, қавуш, махсидўзлик, устки қийимлар тикувчилик ва дурадгорлик касбларига керак бўладиган иш асбоблари - арра, устара, белча, бигиз, занжир, қабза, қайчи, халка, искана, қачқорт каби буюм парни ясаганлар. Бу касб эгалари яна ўтмас буюмларни ўткирлаб бериш билан шугулланганлар. Чилангар кўчаси тарихий ҳужжатларда "Чилангарон" тарзвда қайл қилинган. Чилангарон - чилангарлар демақдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қадимда Қўқон шаҳри тарихий микротопонимияен тизимида турли касб-ҳунарларга оид, хусусан, металлсозлик касби билан боглиқ бўлган топонимлар алоҳида ўринни эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Барқамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевоғи -Т.:Шарқ, 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўфисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тугрисида"ти қонунлари. //-Т.: Шарқ, 1977.
3. Давлатов К. ва б. Мехнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикасл. - Т.: Ўқитувчи, 1992.
4. Давлатов К. Мехнат ва касб таълими-тарбиясида амалий машғулотлар. -Т.: Ўқитувчи, 1995.
5. Дадабоев М.Я. Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиш тарихи. - Фаргона: "Фар» она" нашриёти, 2007.
6. Жабборов И. Ўзбек халқ этнофафияси. - Т., 1994.
7. Мехнат таълими фанидан янги тахрирдаги Давлат таълим стандарт. // "Маърифат" газ. 2006 йил 1 сентябрь сони.
8. Мехнат таълими фанидан ўқув дастури. // "Маърифат" газ. 2006 йил 6 сентябрь сони.
9. Мехнат таълими методикаси /Д.А.Тхоржевский тахрири остида. -Т.: Ўқитувчи, 1987.
10. Рамизов Ж.Р. Умумтехника предметлари ўқитиш ва мехнат таълими методикаси. -Т.: Уқитувчи, 1982.
11. Таълим ва технология: илмий-услубий мақолалар тўплами. - Фаргона, "Фаргона" нашриёти, 20С6.1-қисм. /Тузувчи - И.Каримов.
12. Таълим ва технология: илмий-услубий мақолалар тўплами. - Тошкент, Қўқон ДЛИ. 2006. 2-қисм. /Тузувчи - И.Каримов.
13. Таълим ва технология: илмий-услубий мақолалар тўплами. - Тошкент, Қўқон ДЛИ. 2007.1-2-ҚИИСМ. /Тузувчи - И.Каримов.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	^
Кириш.....	4
1-булим. Мехнат дарсларини ўзaro ва бошка фанлар билан боғлаб утиш хя кпд а услубий тавсиялар	
Мехнат ва раем.....	6
Мехнат ва чизмачилик.....	6
Мехнат ва математика.....	7
Мехнат ва физика.....	7
Мехнат ва информатика.....	Я
Мехнат ва кимё.....	8
Мехнат ва биология.....	9
Мехнат ва география.....	— 9
Мехнат ва жисмоний тарбия.....	10
Мехнат ва адабиёт.....	Ю
Мехнат ва она тили.....	11
Мехнат ва тарих.....	П
Мехнат ва экология.....	12
2-бўлим. Мехнат ва касб таълими машгулотларида фанларaro боғланишлардан фойдаланишга оид даре ишламалари	
Мехнат ва касб таълимида математиКага оид масалалардан фойдаланиш.....	13
Мехнат таълимида геометрияга оид айрим тушунчалардан фойдаланиш.....	15
Мехнат таълими дареларида чизмачиликка оид тушунчалардан фойдаланиш.....	18
Мехнат таълими дареларида чизмачилик фанига оид тушунчаларни ўргатишларида мозаика усулини кўллаш.....	19
Мехнат таълими дареларида тўкимачилик хунармандчилиги тарихига оид материаллардан фойдаланиш.....	21
Мехнат таълими дареларида фаргона водийси аҳолисининг кийим- бошлари тарихига дойр материаллардан фойдаланиш.....	22
Мехнат таълими дареларида ХЕК аср охири ХХ аср бошларида Фаргона водийсида мавжуд бўлган айрим хунармандчилик ишлаб чиқариш тарихига дойр материаллардан фойдаланиш.....	25
Мехнат таълими дареларида шохи тўқиш хунари тарихига дойр материаллардан фойдаланиш.....	28
Когоз тайёрлаш хунарманчилигига оид тарихий материаллардан фойдаланиш.....	30
Касб-хунарга оид атамалардан фойдаланиш.....	31
Фойдаланилган адабиётлар.....	35

**МЕХНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИДА
ФАНЛАРАРО БОҒЛАНИШЛАР**

Услубий кўлланма

**Тузувчилар: Каримов Исмоилжон Ибрахимович
Олимов Бахтиёр Усмонович
Абдурахмонова Зулхумор Иброхимовна**

Бичими 60x84¹/₁₆ «Times New Roman»
гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Босма табағи 2,3. Адади 500. Буюртма № 25
«Fan va texnologiyalr markazining
bosmaxonasi»да чоп этилди.
Тошкент ш., Олмазор кўчаси 171-уй.